

---

## Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди

Бугун Ўзбекистон туманида Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўъба мудирлари, Республика ишчи гуруҳи раҳбари Абдуҳалил Маврулов, туман Маънавият ва маърифат Кенгаши аъзолари, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг ўринбосарлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари, маҳалла раислари, мактаб директорлари ва уларнинг маънавий- маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида туманда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган маънавий-маърифий тадбирлар, тарғибот ишлари самарадорлиги, белгиланган йўл харитасининг ҳамкор ташкилотлар иштирокидаги ижроси, эришилган натижалар ва йўл қўйилган камчиликлар танқидий-тахлилий руҳда кўриб чиқилди.

Маҳаллалар, муассасалар ва таълим масканларида маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш борасидаги муҳим вазифалар белгиланди.

2024-09-10 17:07:10